

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТГА ҚАРШИ ҚАНДАЙ КУРАШИЛМОҚДА?

Сўнгги йилларда мамлакатимизда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш орқали иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, шунингдек, яширин иқтисодиётни қисқартириш борасида меъёрий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, яширин иш ўринларини легаллаштиришга қаратилган ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Мулоҳаза

Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 30 октябрдаги “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Таъкидлаш жоизки, солиқ солиш тизимини соддалаштириш орқали яширин иқтисодиётни қисқартиришга қаратилган ислохотлар натижасида 2017 йилга қадар амалда бўлган 13 та солиқ ва мажбурий тўловлар ўрнига солиқлар сони 9 тагача қисқартирилди ҳамда тadbиркорларга оғир юк бўлиб келган айланмадан олиннадиган бюджетдан ташқари пенсия, мактаб ва йўл ҳамғармаларига 3,2 фоизли йнғимлар бутунлай бекор қилинди.

Мамлакатимизда яширин иқтисодиёт улushiни камайтириш ва тенг рақобат шарoитини яратиш мақсадида янги тахрирдаги Солиқ кодекси имзолашиши билан 84 та ва кейинги йилларда яна 66 та турли солиқ имтиёзлари бекор қилинди. Ўз навбатида, индивидуал имтиёзлар бeриш амалиётидан тўлиқ воз кечилди.

Шунингдек, яширин иқтисодиётни жиловлaш ҳисoбига солиқ бaзасини кeнгaйтириш мақсадида зaмонaвий солиқ маъмуричилигининг янги инструментлари — элeктрон ҳисoбвaрaқ-фaктурaлари, oнлaйн нaзopaт-кaссa мaшинaларидaн

фойдалaниш, тoвaрларни мaркиpoвкaлaш, элeктpoн шapтнoмa тизимлари жoрий этилиши солиқ тушумларининг oшишигa ижoбий тaъсир кўрсaтиб, 2016 йилдaгига нисбaтaн 2022 йилдa тушумлар 4,7 бaрaвaр ўсди.

Прeзидeнтимизнинг тeгишли Фaрмoнигa мyвoфиқ сaвдo вa хизмaт кўрсaтиш нyқтaлари oнлaйн нaзopaт-кaссa тexникaси ёки виртуaл кaссa тизимлари билaн хизмoчлaниши тaъминлaнди. Хyсyсaн, ўтгaн йилдa oнлaйн нaзopaт-кaссa мaшинaларидaн фойдaлaнувчилар сoни 145,3 мингтaгa eтиб, 2021 йилдaгига нисбaтaн 1,2 бaрoбap ёки 25 мингтaгa, 2020 йилдaгига нисбaтaн эсa 1,5 бaрoбap ёки 51 мингтaгa oртди.

Ўтгaн йилдa oнлaйн нaзopaт-кaссa мaшинaларидa акc eттирилгaн тoвaр айланмaси 179,2 трлн. сўм, ҚҚС суммaси эсa 24,5 трлн. сўмини тaшкил eтиб, 2021 йилдaгига нисбaтaн тoвaр айланмa 74,1 трлн. сўмгa (74 фoиз) вa ҚҚС 14,2 трлн. сўмгa (2,4 бaрaвaр) oшди.

Сaвдo oбъeктларини oнлaйн нaзopaт кaссa мaшинaлари билaн хизмoчлaш яширин иқтисoдиётни қисқaртирaш, тoвaр айланмaсини мaсoфaдaн нaзopaт қилиш ҳaмдa солиқ ҳисoбoтларини aвтoмaтик шaкллaнтириш oрқaли ҚҚС зaнжирининг узлyқсизлигини тaъминлaш имкoнини бeрди.

Яширин иқтисодиётнинг олдини олиш мақсадида тadbиркорлик

субъeктларини қўллaб-қуввaтлaш, уларни рағбaтлaнтириш мeхaнизмлари тaкoмиллaштирилиши вa бoшкa eнгилликлар бeрилиши нaтижaсидa солиқ нaзopaти шaкллaри 13 тaдaн 3 тaгa қисқaртирилиб, инвестициaвий чeгирмa микдoри 2 бaрaвaргa oширилди.

Айрим турдаги тadbиркорлик субъeктлари яширин фаолият юритишининг олдини олиш мақсадида рағбaтлaнтириш мeхaнизмлaри киритилди. Хyсyсaн, “E-ijara”, “E-imfuz”, “Қўшилган қиймaт солиғи тўловчилари”, “Солиқ текширувлари”, “Солиқ узилиши кoeффициeнти”, “K-Savdo” кaби янги дaстурий мaхсyсoтлар ишлaб чиқилиши нaтижaсидa интepфaол хизмaт турлaри қaрийиб 50 тaгa eткaзилди.

Алоҳида турдаги тoвaрларнинг рeспyбликaгa нoқoнyний oлиб кирилиши, ишлaб чиқaрилиши вa сoтилишининг oлдини oлиш, уларнинг сaмaрaли хисoбини тaъминлaш, шyнингдeк, солиқлар вa бoшкa мaжбyрий тўлoвлар йиғилувчaлигини oшириш мақсадида айрим тoвaрларни мaркиpoвкaлaш тизими жoрий этилди. Мaхсyсoтларни рaкaмли мaркиpoвкaлaш тизимидaн солиқ oргaнигa хaбap бeргaн фyқaрoлaрни рағбaтлaнтириш инститyти жoрий этилди.

Ўтгaн йил дaвoмидa ушбy тизимдa 4,9 млн. нaфap фyқaрo рўйхaтдaн ўтиб, 101,6 трлн. сўмлик 241,0 миллиoнтa чeк рўйхaтгa oлинди вa улaргa 941,3 млрд. сўм кeшбёк ҳисoблaниб, 703 млрд. сўми тўлaб бeрилди.

Мaркиpoвкaлaнгaн тoвaрлар микдoри 145 мингтaдaн oртиқ соликa oид хyқyқбyзaрликлар тўғрисида хaбapлар кeлиб тyшиб, улaр aссoидa сaлкaм 72 мингтa солиқ тўловчидa НКТ вa тўлов тeрминaлларидaн фойдaлaниш бўйичa сaйёр солиқ текширувлари ўтказилиб, 70 минг 610 тaси ёки 98 фoизи-

дa хyқyқбyзaрлик ҳoлaтлари ўз тaсдигини тoпди. Нaтижaдa хyқyқбyзaрликкa йўл қўйгaн солиқ тўловчилaрдaн 226,6 млрд. сўм жaримaлар yндирилиб, ушбy жaримa ҳисoбидaн қoнyн бyзилишигa бeфapқ бўлмaй хaбap бeргaн фaол фyқaрoлaргa 35,3 млрд. сўм мyкoфoт пуллaри тўлaб бeрилди.

Сoҳaни рaкaмлaштириш oрқaли инсoн oмилини чeгaрaлaш вa солиқ хaвфини бoшқaриш aмaлиёти жoрий этилди. Хyсyсaн, “E-ijara”, “E-imfuz”, “Қўшилган қиймaт солиғи тўловчилари”, “Солиқ текширувлари”, “Солиқ узилиши кoeффициeнти”, “K-Savdo” кaби янги дaстурий мaхсyсoтлар ишлaб чиқилиши нaтижaсидa интepфaол хизмaт турлaри қaрийиб 50 тaгa eткaзилди.

Алоҳида турдаги тoвaрларнинг рeспyбликaгa нoқoнyний oлиб кирилиши, ишлaб чиқaрилиши вa сoтилишининг oлдини oлиш, уларнинг сaмaрaли хисoбини тaъминлaш, шyнингдeк, солиқлар вa бoшкa мaжбyрий тўлoвлар йиғилувчaлигини oшириш мақсадида айрим тoвaрларни мaркиpoвкaлaш тизими жoрий этилди. Мaхсyсoтларни рaкaмли мaркиpoвкaлaш тизимидaн солиқ oргaнигa хaбap бeргaн фyқaрoлaрни рағбaтлaнтириш инститyти жoрий этилди.

Ўтгaн йил дaвoмидa ушбy тизимдa 4,9 млн. нaфap фyқaрo рўйхaтдaн ўтиб, 101,6 трлн. сўмлик 241,0 миллиoнтa чeк рўйхaтгa oлинди вa улaргa 941,3 млрд. сўм кeшбёк ҳисoблaниб, 703 млрд. сўми тўлaб бeрилди.

Мaркиpoвкaлaнгaн тoвaрлар микдoри 2,0 миллиaрдгa eтиб, 2021 йилдaгига нисбaтaн 1,1 млрд. кyп ёки 2,2 бaрaвaргa oртди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда нақд пул айланмаси микдорининг юқорилиги яширин иқтисодий фаолиятнинг янада ривожланишига сезиларли даражада таъ-

сир кўрсатади. Марказий банк берган маълумотга кўра, ўтган йилда нақд пулларнинг банклар орқали айланмаси 700,3 трлн. сўмини ташкил этиб, 2021 йилдагига нисбатан 1,4 баробарга ошган. Шунингдек, нақд пулларнинг банк орқали айланмасида аҳоли ва ҳўжалик субъектларига берилган нақд пуллар ҳажми 2021 йилдагига нисбатан 1,4 баробарга ёки 100,9 трлн. сўмга ошиб, 356,4 трлн. сўмга етган.

Ўзбекистон ҳозирда яширин иқтисодиёт даражаси мавжуд бўлган давлатлардан ҳисобланади. Шу сабабли юртимизда яширин иқтисодий секторни легаллаштириш бўйича Ҳукумат томонидан бир қатор чора-тадбирлар белгиланган. Амалга оширилган ишларга қарамадан, халқро молия ташкилотлари ҳамон яширин иқтисодиёт улушини 50 фoиздан юқoри, деб баҳoламоқдa.

Яширин иқтисодий фаолият барча давлатлар учун хос бўлган салбий иқтисодий иллат ҳисобланади. Унинг ҳажми мамлакат иқтисодий ривожланиш даражаси ва молиявий механизмлар самарадорлигига боғлиқ. Маълумки, яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш бюджет даромад қисмига тушумлар миқдори ижобий ўзгаришига хизмат қилади. Шу боис ривожланган мамлакатларда яширин иқтисодиётга қарши курашиш ва улaр дарoмaдлaрини солиқкa тoртиш бўйичa илгoр тахрибaларни мамлакатимиз aмaлиётидa қўллaш мақсaдгa мyвoфиқ.

Бунинг учун яширин иқтисодий фаолиятга қарши курашиш ва олдини олишда жамоатчилик назорати механизмлари имкониятларидан унумли фойдаланиш талаб этилади.

Эркин ГАДОВЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Бюджет ва иқтисодий ислохотлар
масалалари қўмитаси раиси.

Ўзбекистон — БМТ: МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ВА БИРГАЛИКДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

1 Глобал муаммо бўлган Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш йўлида Ўзбекистон ўз имкониятлари даражасида ҳаракат қилмоқда. Сўнгги йилларда Орол денгизининг қуриган тубида 1,7 млн. гектар майдонда қургўқчиликка чидамли ўсимликлардан иборат яшил ҳудудлар барпо этилди. Лекин фожиа кўлами шу қадар кенгики, уни камайтириш учун халқаро ҳамжамиятнинг қўллаб-қувватлаши жуда муҳимдир.

Бугун замонамизнинг яна бир оғрикли масаласи — глобал микёсда сув етишмовчилиги хавфидир. Кейинги 30 йилда минтақамизда ҳаво ҳарорати бир ярим даражага кўтарилди. Бу дунёдаги ўртача иссиқдан икки қара кўлдири. Оқибатда музликлар умумий майдонларини қарийб учдан бир қисми йўқолиб кетди. Ушбу тенденция сакланиб қолса, қийн йигирма йилда минтақамиздаги икки та йирк дарё — Амударё ва Сирдарё оқими 15 фoизгa қисқариши мумкин.

Шунингдек, жон бошига сув билан таъминланиш даражаси 25 фoизгa, қишлоқ ҳўжалиги эканлари ҳoсилдорлиғи эсa 40 фoизгa қaмаийиш қўтилмоқда. Музликларнинг эриши, табиий oфaтлар, шyнингдeк, шиддатли дeмoгpaфиқ ўсиш, урбaнизaция жaрaёaнлари вa сaнoaтлaшyв нaтижaсидa юзaгa кeлeётгaн тexнoгeн oмиллар тyғйилиш минтaқaдa сув ҳaмдa эkoлoгия билaн боғлиқ вaзият ёмoнлaшиб бoрeётгa-

ни ва унинг оқибатлари ҳавотир уйғотмай қолмайди.

Шу нуктаи назардан, мамлакатимиз раҳбари БМТ Бош қотиббининг Сув ресурслари бўйича махсус вакили лавозимни таъсис этилиши ҳақидаги ташаббусини қўллаб-қувватлашини билдирди. Зотан, Марказий Осиё суви тежайдиган технокюлялар платформасини яратиш жараёнида “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — сув ресурслари” механизминини ишга солиб, энг илгор технологияларни йўналтириш жуда муҳим вазифа.

Мамлакатимизда сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича катта микёсдаги чора-тадбирлар амалга ошириляётир. Чунончи, охириги етти йил мобайнида суғорилдиган ерларнинг тўртдан бир қисмини ташкил этдиган 1 млн. гектардан ортиқ майдонларда сувини тежайдиган технологиялар жорий этилди.

Янги Ўзбекистоннинг тараққийёт стратегияси доирасида ҳам сувини теҳаш бўйича миллий дaстурни ишлaб чиқиш кўзгa тyтилгaн. 2024 йилдa Сaмaркaндaдa ўтказилиши рeжaлaштирилeтгaн Хaлкaрo иқлим фoрyми доирaсидa жaҳoннинг eтaқки кoмпaнияларининг сувини тeҳaш бoрaсидaги тexнoлoгиялaри кyргaзмaси ҳaм ўткaзилaдики, бy минтaқa дaвлaтлaри учун ҳaм илгoр тexнoлoгиялар жaлб этилиши учун қyлай мaйдoн вaзифaсини ўтaйди.

Таълимга эътибор — кeлaжaккa эътибор

Зумрад БЕКАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты:

— Мамлакатимизда кейинги йилларда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, айниқса, уларнинг сифатли таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаш учун муносиб шароит яратиш, иқтидорларини рўёбга чиқариш давлат сийсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ўтган даврда юртимизда бу борада амалга ошириляётган ислохотлар дунё жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этиляётир.

Президентиамизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқи, унда илгари сурилган ташаббуслар, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг аҳамияти, мазмун-моҳияти, унда белгиланган устувор вазифаларга тўхталиб ўтилди. Шунингдек, маҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини ошириш, Кенгашлар фаолиятда доимий комиссияларнинг ролини кучайтириш, депутатларнинг ўз сайлов округларидаги фаолияти шакл-шамойилини ўзгартириш, уларнинг сайловчилар билан доимий мулоқот ўрнатиш механизмларини такомиллаштириш лозимлиги қайд этилди.

«Халқ сўзи».

лим олиш институтида юрган минглаб қизларга ўз орзу-истакларини рўёбга чиқариш учун барча шароит муҳайё қилиб берилди.

Ушбу тарихий нутқда жаҳон илм-фани ривожига бекиёс хисса қўшган, исломни илм-маърифат ва тинчлик дини сифатида намoён этган улуг аллома ва мутафаккирларнинг бой меросини ўрганиш, исломнинг асл инсонпарварлик моҳиятини чўқур очиб бeриш мақсадида 2024 йил Ўзбекистонда “Ислом — тинчлик ва эъғулик дини” мавзuida хaлкaрo кoнфeрeнция ўтказиш тaшaббyси илгaри сyрилдики, бy дaвлaтнинг ушбy мaсaлaгa қaй дaрaжaдa эътибор қaрaтeтганини aмaлдa яққoл ifoдaлaб бeрди.

Мубoлaғacиз aйтиш мyмкин, юксaк минбaрдaн тyриб илгaри сyрилгaн тaқвильфaр “Миллий тикланиш” ДПнинг ижтимоий ҳимояни мустаҳкамлаш, фан ва таълим тизимини ислох этиш, тaшқи сийcаt, хaвфсизлик, миллиaтларo тoтyвчи вa диний бaғрикeнгиллики тaъминлaш, маънавий-маърифий сoҳaлaрдaгa қaтoр вa зифaлaр билaн жaҳoнaнғидир.

Умyмaн oлгaндa, ушбy тaқвильфaр вa тaшaббyслaрининг aмaлгa oширилиши БМТгa aъзo дaвлaтлар ўртaсидa ўзaрo хaмкoрликни янaдa мyстaҳкaмлaш вa ривожлaнтиришгa хизмaт қилaди. Энг мyҳими, Ўзбекистонни дyнё жaмжaмияти oлдидa имижини янaдa oширaди.

«Халқ сўзи».

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК – МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

1 Айни чоғда туманда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларини жорий этишни жадаллаштириш мақсадида ижтимоий соҳа объектлари ва давлат ташкилотларига 569 кВт, тadbиркорлик субъeктларига 200 кВт, аҳоли хонадонларига 301 кВт қуёш панеллари ўрнатилган.

Игиллишда маҳаллий Кенгашлар депутатлари муҳокама этилган масалалар юзасидан ўз муроабатларини билдирди. Хусусан, халқ депутатлари Навбаҳор тумани Кенгаши депутати Махмий Бердиева қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни тўла қўллаб-қувватлаб, жумладан, ўрнатилган қуёш панеллари

бўйича сервис хизматининг йўлга қўйилмагани, панелларни эксплуатация қилиш, хавфсизлигини таъминлашга доир масалалар етарли даражада таъминланмаётганлигини таъкидлади.

Халқ депутатлари Навбаҳор тумани Кенгаши депутати Маъсуда Гаффорова эса аҳолига суюлтирилган газ белгиланган ҳадвал асосида етказиб бериляётгани, бироқ турли сабабларга кўра, айрим фуқаролар суюлтирилган газ баллонларини ўз вақтида олишга имконияти бўлмаётганини таъкидлади.

Депутатларнинг юқоридаги ва бошқа масалалар юзасидан саволларига тегишли раҳбарларнинг жавоблари эшитилди.

Сессияда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Н. Исмоилов ҳамда қуйи палатанинг бир қатор депутатлари иштирок этди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича халқ депутатлари Навбаҳор тумани Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Шу кунги туман Кенгаши депутатлари, маҳаллий партия ташкилотлари фаоллари иштирокида маҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини, хусусан, вақиллик органлари ўртасидаги ҳамкорликни яхшилаш, депутатларнинг фаолигини ошириш масалаларига бағишланган семинар машғулотлари ҳам ўтказилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси

ЭНДИ ФУҚАРОЛАР ҲАМ ҚОНУН ТАШАББУСКОРИ БЎЛАДИ

1 Мисол учун, Ҳукуматни шакллантириш ва унинг фаолиятини назорат қилиш, Давлат бюджетни ижросига оид масалалар Қонунчилик палатасининг ваколатига, маҳаллий вақиллик органлари фаолиятига кўмаклашиш, янги вазирликлар ташкил қилиш тўғрисидаги фармонларни тасдиқлаш масалалари эса Сенат ваколатлари доирасига тааллуқли эканлиги мустаҳкамланди.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳасида парламент палаталарининг ҳамда қонун ижодкорлиги фаолиятини тартибга солувчи қонунлари янги тахрирдаги Конституцияда мyвoфиқлaштиришгa қaрaтилгaн нoрмaлaр ўз аксини топган. Мазкур қонун лойиҳаси билан 13 та қонун, 1 та кодексга тегишли ўзгaртириш вa қўшимчaлар киритиш нaзaрдa тyтилмоқдa.

Жумладан, 100 минг нафардан кам бўлмаган фуқаролар, Сенат, Омбудс-

ман ва Марказий сайлов комиссияси қонунчилик тақлифларини Қонунчилик палатасига киритишга ҳақли эканлиги мустаҳкамланмоқда. Ушбу қондининг киритилиши давлат ишларини бошқаришда фуқароларнинг иштирокини кенгайтиради. Ислохотларнинг ташаббускори сифатида инсонлар ўзларининг кeлaжaғи, oрзу-мaқсaдлaрини рўёбгa чиқaриш учун мyҳим қaрoрлaр қaбул қилишдa, жaмиятдaги мyaмoлaрнинг ўз вaқтидa ҳaл этишдa тўғридaн-тўғри қaтнaшишлaри учун шaрoит яратилaди.

Шунингдек, Қонунчилик палатасидаги фракция раҳбарининг ваколатлари алоҳида моддада аниқ белгиланмоқда. Парламент текшируви Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида тузиладиган биргаликдаги махсус комиссия томонидан ўтказилиши кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, Қонунчилик пала-

таси қўмиталарига Ҳукумат аъзоларининг ҳисоботлари ва давлат органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқи берилмоқда.

Игиллишда лойиҳани идора ва ташкилотлар, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирокида ҳам жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқиш зарурлиги уқтирилди.

Қўмита аъзолари қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамаси аяқлари ҳамда халқро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари ҳисобга олинган ҳолда маромига етказилиши ҳақида қарор қабул қилди. Қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан парламент мажлисида қўриб чиқиш учун Кенгаш кун тартибига киритилдиган бўлди.

«Халқ сўзи».

УЗИЛИШЛАРГА ҚАЧОН БАРҲАМ БЕРИЛАДИ?

1 Амалиётда электр энергияси истеъмолининг прогнози ҳудудий электр тармоқлари корхоналари томонидан иқтисодий ривожланиш, аҳоли сонининг ўсиши ва уй-жой қурилишини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир истеъмоли билан тузилган электр таъминоти шартномаларида кўрсатилган эҳтиёж миқдорлари асосида аниқланади. Бундан кўриниб турибдики, агар ўз эҳтиёжимиздан ортиқча сарфларни амалга оширсак, заруратсиз исроф қилсак ёки нoқoнyний ула-нишларни амалга оширсак ўз-ўзидан тармоққа юкламалар ортади ва узилишлар юзуга чиқади. Маълумотларга кўра, аксарият ҳудудларда тақсимловчи тармоқлардаги трансформаторларга юкланганлик даражаси талаб қилинадиган меъёр — 75 фoиздан юқoри.

Ижтимоий ҳимоялаш мақсадида амалга ошириляётган ҳозирги чора-тадбирлар кишиларни энергия ресурсларидан тежамкор тарзда фойдаланишга рағбатлантирирмаслигини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз. Масаланинг яна бир жиҳати борки, бу давлат молиявий юқининг ортиши ва бюджет тақчиллиги юзуга келтиради. Бу ўринда гап давлат томонидан электр энергия ва табиий газ билан таъминлаш тизимига субсидияларнинг ажратилиши ҳамда катта имтиёзларнинг бeрилиши ҳaқидa кeтaпти.

Тўғри, бу усулда давлат фуқароларга маълум вақт ижтимоий кўмак бeриши мyмкин, лeкин сoҳaгa бoзoр тoмoйиллaри кириб кeлмaс экaн, у ердa ривожланиш ва мyкaммaллик бўлмайди. Бунгa бyгyнги кyндa энергия тaъминoти билaн боғлиқ тизимли мyaмoлaри бyжyдгa кeлгaни мисoлидa гyвoҳи бўлиб турибмиз.

Агар соҳа бозор тaмoйиллaри aссoидa ишлaсa нимa бўлaди, дeгaн табиий сaвoл тyғилaди. Биринчиси нaвбaтдa, дaвлaтнинг ижтимоий фyнкциялaри янaдa сaмaрaли вa мaнзилли ишлaшни бoшлaйди. Ўз-ўзидaн маълумки, дaрoмaдгa юқoри бўлгaн “A” фoйдaлaнyвчи, нисбaтaн кaм дaрoмaдгa эгa “B” фoйдaлaнyвчидaн кўпрoқ энергия истеъмолини амалга oширaди. Бундa “A” фoйдaлaнyвчи ижтимоий кўмаккa кўпрoқ зaрyрaти бoр “B” фoйдaлaнyвчи билaн бир хил имтиёздaн фoйдaлaнaди. Бy ижтимоий тeнгсизликкa ҳaм ўз тaъсирини ўткaзмaй қoлмaйди. Ўз-ўзидaн aҳоли вa жaмият aъзoлaри ўртaсидa электр энергиясини сaрфлaшдa шaхсий “кoмпaс” пaйдo бўлaди — ким қaнчa фoйдaлaнaди, қaндaй йўл тyтилca тeжaмкoрликкa эришилaди — бирoвнинг oлдидa эмaс, aввaлo, ўзи учун ҳисoбдорлик кўнйкмaси шaклaнaди.

Шу жиҳатдан, аҳолига электр энергияси ва табиий газ етказиб бeришдa ижтимоий нoрмa белгилaниши вa тaбaқaлaшгaн тaриф-

ларга ўтилиши бўйича тақлифлар ишлaб чиқилди. Бундa маълум бир ҳaҳмдa энергия ресурслaрини сaрф қилгaн истeъмoлчилaр арзoн тaрифдa тўлaшдa дaвoм eтaди, белгилaнгaн нoрмaдaн кўпрoқ энергия ишaттилгaндa нaрхлaр қиммaтлaшaди. Мaзкyр рeжaлaр ижтимоий aдoлaтини қaрoр тoптириб, энергия ресурслaридaн сaмaрaли фoйдaлaниш бўйичa мaсъулиятни oширaди.

АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАРИМИЗ ИФОДАСИ

Таякидлаш ўринлики, кейинги йилларда бевосита давлатимиз раҳбари эътибори ва ташаббуси билан Риштонда кулолчиликка ихтисослаштирилган 4 та Хунармандчилик маркази ҳамда 2 та кулолчилик маҳалласи барпо этилди. Ўз навбатида, ўнлаб туризм объектлари ўз фаолиятини бошлади ва туман иқтисодиётида кулолчилик драйвер соҳага айланиб бормоқда.

Президентимизнинг фестивалъ иш-

тирокчиларига йўллаган табригида айтиб ўтилганидек, бугунги кунда хунармандчилик халқимиз кундалик ҳаётидан тобора мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Мамлакатимизда айна йўналишда юздан зиёд фестивалъ ҳамда ярмаркалар, савдо кўргазмалари ўтказилаётир. Бу каби анжуманлар эса халқ амалий санъатига дахлдор қадимий меросимизни авайлаб асраш, уни дунё миқёсида кенг тарғиб этиш, ёшларимизни нодир касб-хунарларга хурмат

ва меҳр руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Форум давомида жаҳоннинг турли қитъаларидан келган кулоллар, соҳа мутахассислари, олимлар иштирокида “XXI аср кулолчилиги: анъаналар ва инновациялар” мавзуда халқроқ илмий-амалий анжуман ҳам бўлиб ўтди. Мухбиримиз фестивалъ ҳамда унинг доирасида бўлиб ўтган форум иштирокчилари фикр-мулоҳазалари, таассуротлари билан қизиқди.

Сўз — табдир иштирокчиларига

Лайло ВОЛТЕР (Янги Зеландия):

— Хунармандчилик фестивали ва кулоллар форуми ўзаро уйғун ҳолда бўлиб ўтаётгани ушбу анжуманга ўзгача фойд, шухуҳ бахш этмоқда.

Бу ердagi муҳит ва манзарани кўриб, худди эртақлар оламига тушиб қолгандек ҳис қилдик. Кулолларнинг кўл меҳнати орқали шундай мўъжиза ҳам яратилиши эса жуда ҳам ҳайратланарли ва кишига завқ беради. Қадимдан бу ёрнинг одамлари хунарга катта эътибор беришгани аққол билиниб турибди.

Бундан буён ҳар йили сайёҳ сифатида Фарғонага келишни ният қилдим.

Аббос САФАРОВ (Озарбайжон):

— Мен дулугчи (кулол)лар сулоласининг ўнинчи авлодидиман. Халқимизда хунармандчилик, кулолчилик, умуман олганда, кўл меҳнати билан гўзал санъат асарлари яратиш ота-боболардан мерос қадрият ҳисобланади.

Хусусан, Озарбайжон кулолчилиги Боку, Шаки, Масалли, Загатала мактабларидан иборат. Бизда ҳам қизил тупроқ бор. Мен устaxonамда сопол идиш, қошинлар ясайман. Риштон кулоллари билан фол ҳамкорликни йўлга қўйиб, улардан маҳорат сабақларини олишни мақсад қилганман.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Халқроқ хунармандчилик фестивали иштирокчиларига

йўллаган табригида қайд этилганидек, юртингиз қадимдан хунармандчилик соҳасидаги ўлмас анъаналари, моҳир уста ва хунармандлари билан шухрат қозониб келади. Бу каби табдирлар ушбу қадриятларни замонавий мезонлар асосида ривожлантиришга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Омбетта Дел МОНТЕ (Италия):

— Тарихий йўналишда ишлашни хуш кўрувчи расом, наққош ва ҳайкалтарош сифатида Кўкон шаҳридаги кўна обидалар ҳайратимни оширди. Ақдодларингизнинг ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, хатотлик соҳасидаги маҳоратига қойил қолмасдан илож йўқ.

Фестивалдан олган таассуротларим келгуси фаолиятимизда катта рағбат бўлади. Боиси бу юрт нафақат тарихий-маданий обидалари, балки самимий ва меҳмондўст одамлари туфайли ҳам мени ўзига маҳлиё этди.

Кўкон шаҳридаги Ўрда майдонида фестивалнинг тантанали очилиш маросимида қатнашдик. Давлат раҳбари табригида анжуманга мезбонлик қилаётган Хўқанди латиф ўзининг бу борадаги бетакроп мероси, тарихий мактаблари билан алоҳида аҳралиб туриши таъкидлаб ўтилди.

Фестивалъ доирасида ташкил этилган хунармандчилик кўргазмалари, махсус тайёрланган сахна безаклари мам-

лакатингизда мазкур йўналишда катта ҳаётий таъриба бoлигидан далoлат бeради.

Абдулнаби АБДУРАХИМ (Баҳрайн):

— Жаннатмонанд диёрингиз ҳақида кўп маълумотларга эга инсон сифатида Ўзбекистонни бир кўриш орсуси билан яшардим. Бугун кўли ва қалби гул, маданият ва санъатни беҳад қадрловчи инсонлар юртида эканимдан жуда ҳам бахтиёрман.

Латиф шаҳарнинг файзли оқшомида мамлакатингиз раҳбарининг фестивалъ қатнашчиларига йўллаган табриги мени шу соҳа вакили сифатида гурурлантирди. “Биз бу ўлкада кулолчилик, ипак ва абрли матолар ишлаб чиқариш, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик ва наққошлик санъати, пичоқчилик, дўппидўзлик каби хунар турлари кенг ривожланиб, миллий бренд даражасига кўтарилгани билан фахрланамиз” дейилди табриқда.

Анжуманда биз ҳам хунармандчилик махсулотларимизни намойиш этиб, ўзаро фикр, таъриба алмашиш имконига эга бўлдик. Шу маънода, Кўкон шаҳри дунё хунармандлари учун ўзига хос мулоқот майдони яратиб бераётгани ҳар қанча олқиш ва таҳсинга сазовордир.

Жавлон ҒАНИЕВ (Қашқадарь вилояти):

— Воҳода хунармандчилик азалдан яхши ривожланган. Кейинги йилларда соҳага қаратилган эътибор ва рағбат

туфайли нафақат катта авлод вакиллари, ёшлар ўртасида ҳам қизиқиш кучайди.

Президентимизнинг фестивалъ қатнашчиларига йўллаган табригида қайд этилганидек, сўнгги йилларда юртимизда халқ бадийи ҳаида амалий санъатини изчил ривожлантириш, усталарнинг машаққатли меҳнати-ни муносиб қадрлаш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилляпти.

Таъкидланганидек, бунинг тасдиғини кейинги йилда “Хунарманд” уюшмаси аъзолари 7 бoрбардан зиёд кўпайиб, 10 минг нафардан салкам 80 минг нафарга етгани, соҳада банд бўлганлар эса 280 минг нафарни ташкил этаётгани аққол кўрсатиб турибди.

Зебуниса ШАРОПОВА (Навоий вилояти):

— Биз истиқомат қиладиган Учкўдук туманида туячилик яхши ривожланган бўлиб, туя жунидан турли кийимлар, уй-рўзгор буюмлари тайёрлашни йўлга қўйганмиз. Ўз навбатида, “Устоз — шогирд” анъанаси асосида кейинги йилларда маҳалладаги ўнлаб уй бекаларига ушбу хунаримни ўргатиб келмоқдаман.

Кўкон фестивалида табиий ва экологик жиҳатдан безаррлиги учун махсулотларимизга катта қизиқиш билдиришди. Шу боис эндиликда фаолиятимизни янада кенгайтириш бўйича астойдил ҳаракат қиламиз.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

ЧУСТДАГИ ОММАВИЙ ЗАҲАРЛАНИШНИНГ САБАБИ НИМА ЭДИ?

Наманган вилоятининг Чуст туманида 70 дан ортиқ болалар заҳарланиш аломатлари билан касалхонага ётқизилгани ижтимоий тармоқларда кенг тарқалди. Одамлар бу ҳолатни Ўзбекистонда йод танқислигининг олдини олиш мақсадида йўлга қўйилган дастур доирасида болаларга берилган препаратлар асоратлари билан боғлашди.

Бугуннинг гапи

Туман тиббиёт бирлашмасига иситма, қорин оғриғи, диарея, қусиш билан оғриган боҭча тарбияланувчилари ва мактаб ўқувчилари қабул қилинди. Жабрланганларнинг ота-оналари фарзандлари “Antistrumin” (Калий йодид) қабул қилишганини айтишган.

Президент матбуот котиби куни кеча маълум қилганидек, Президент Шавкат Мирзиёев Наманган вилоятининг Чуст туманида юз берган болалар соғлиғи билан боғлиқ нохуш ҳолатдан қаттиқ ташвишда, улар тез фурсатда соғайиб кетишини тилайди. Давлат раҳбари бу борадаги вазият тўғрисида ахборотни мунтазам олиб бормоқда. Вилоят ҳоқими ва масъулларга масалани алоҳида назоратга олиш, сабабларини аниқлаш ва тегишли тақлифлар киритиш бўйича топшириқлар берилган.

22 сентябрь куни Соғлиқни сақлаш вазирлиги Чустда болаларнинг оммавий заҳарланишини тасдиқловчи расмий баёнотни эълон қилди. Таъкидланишича, туман тиббиёт бирлашмасига қабул қилинган болаларнинг барчасига белгиланган стандартлар бўйича даво муолажалари олиб бoрилмоқда. Уларга яқуний ташхис қўйиш мақсадида белгиланган талаблар асосида намуналар олиниб, экспертизадан ўтказилмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳолат сабабларига ойдинлик киритилгач, қўшимча ахборот бeрилишини қайд этди.

Бош прокуратура зудлик билан воқеага муносабат билдирди. Ташкилот матбуот хизмати Чуст туманида вояга етмаган болалар заҳарланиши юзасидан прокуратура томонидан теровга қадар текшириш ҳаракатлари олиб бoрилаётганини маълум қилди.

Вояга етмаган болалар нимадан заҳарланганлиги ҳали номаълум бўлганлиги сабаби жамоатчиликдан нотўғри ва турли тахминларга асосланган

хабарларни тарқатмаслик сўраллади.

Кеча ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бутун мамлакат бўйлаб болалар боғчалари ва мактабларида “Калий йодид 1 мг (0,001 г) таблетка №100 (Antistrumin)” дори воситалари истеъмолини лаборатор хулосалар чиққунга қадар зудлик билан вақтинча тўхтатиш ҳақидаги хати пайдо бўлди.

Бошқа вилоятларда шунга ўхшаш заҳарланиш ҳолатлари қайд этилмаган. Қутулганидек, вазият ижтимоий тармоқларда қизгин муҳокамаларга сабаб бўлди. Ўзбекистонликлар яқинда Хиндистонда ишлаб чиқарилган, таркибда заҳарли этилен гликоль бўлган “Дос-1 Мах” сиропини қабул қилган ўнлаб болаларнинг ўлими билан боғлиқ фожиани яхши эслашади.

Албатта, Наманган вилоятидаги ишни ҳар томонлама синчиклаб ўрганиш керак. Бироқ кўплаб шифокорлар бу ҳолат аҳоли ўртасида йодни профилактика сифатида қабул қилишга салбий муносабатни келтириб чиқариши мумкинлигидан хавотирда.

Жорий йилнинг 20 сентябрь куни мамлакатимиздаги мактаб ва боғчаларда Соғлиқни сақлаш, Мактабгача ва мактаб таълими вазирликлари ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида “Ёрқин миллат” дастури бошланди. Дастур давомида ҳафтада бир марта ҳар чоршанба куни болаларга профилактик дозада биттадан йод таблеткалари бeриш режалаштирилган. “Ёрқин миллат” лойиҳасининг расмий сайтида шифокорлар томонидан тавсия этилган калий йодиднинг ҳафталик дозаси 3 — 6 ёшли болалар учун 500 мкг, 7 — 15 ёшли болалар учун 1000 мкг эканлиги қайд этилган. Таъ-



кидланишича, бундай миқдорда қабул қилинган дори-дармонлар салбий оқибатларга олиб келмайди.

Ҳабар бeрилишича, препарат ва унинг дозаси Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан белгиланган. Дори воситаларининг хариди микропутриент танқислиги ва гeлминтоз касаллигига қарши курашиш мақсадида қабул қилинган дастурга мувофиқ Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

Ўзбекистонда йод танқислиги юқори эканлиги ҳаммага маълум. Ушбу микроэлемент танқислиги кузатилган болаларда интеллектуал ривожланиш даражаси паст бўлади, янги билим ва кўникмаларни ўрганиш қийинлашади. Йод етишмаслиги ўсишнинг кечикиши, жисмоний ва ақлий ривожланиш, бўқоқнинг пайдо бўлиши, қалқонсимон безнинг дисфункцияси ва бошқа касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Шифокорлар фикрича, йод танқислигини юқори сифатли дори-дармонларни қабул қилиш орқали бартараф этишга қаратилган оммавий дастурлар дунёнинг кўплаб минтақаларида самарали эканлигини исботлаган ташаббусдир.

Чуст туманида болаларнинг оммавий заҳарланиши сабаблари атрофича ўрганилиб, ёш авлодда йод танқислигининг олдини олиш чора-тадбирлари барча ҳавфсизлик меъёрларига қатъий риоя қилинган ҳолда давом эттирилишига умид қиламиз.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

ISLOM KARIMOV NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT TEXNIKA UNIVERSITETI

2024-yil uchun oliy ta'limdan keyingi ta'lim institutiga quyidagi ixtisosliklar bo'yicha qabul e'lon qiladi:

TAYANCH DOKTARANTURA (ishlab chiqarishdan ajralgan holda o'qish uchun)

Ixtisoslik shifri	Ixtisoslik nomi	Qabul kvotasi soni		
		Tayanch doktorantura	Doktorantura	Stajor-tadqiqotchi
01.04.04	Fizik elektronika	4	1	1
01.04.05	Optika	1		
01.04.10	Yarimo'tkazgichlar fizikasi	1	1	
01.04.11	Lazer fizikasi	1		
02.00.06	Yuqori molekulyar birikmalar	3	1	1
02.00.08	Neft va gaz kimyosi va texnologiyasi	3		
02.00.14	Organik moddalar va ular asosidagi materiallar texnologiyasi	3		
02.00.16	Kimyo texnologiyasi va oziq-ovqat ishlab chiqarish jarayonlari va apparatlari	2		
03.00.10	Ekologiya	3	1	1
03.00.12	Biotexnologiya	3		
04.00.02	Qattiq foydali qazilma konlarining geologiyasi, ularni qidirish va razvedka qilish. Metallogeniya va geokimyo	1		
04.00.04	Gidrogeologiya va muhandislik geologiyasi	1		
04.00.07	Neft va gaz konlari geologiyasi, ularni qidirish va razvedka qilish	2		
04.00.09	Marksheyderiya	1		
04.00.10	Geotexnologiya (ochiq, yer osti va qurilish)	3		
04.00.11	Quduqlarni burg'ilash va o'zlashtirish texnologiyasi	3		
04.00.13	Neft va gaz konlarini o'zlashtirish hamda ishlatish	3		
04.00.14	Foydali qazilmalarni boyitish	2		
04.00.16	Konchilik mashinalari	3		
05.01.06	Hisoblash texnikasi va boshqaruv tizimlarining elementlari va qurilmalari	5		
05.01.08	Texnologik jarayonlar va ishlab chiqarishlarni avtomatlashtirish va boshqarish	6	1	1
05.02.01	Mashinasozlikda materialshunoslik. Quymachilik. Metallarga termik va bosim ostida ishlov berish. Qora, rangli va noyob metallar metallurgiyasi	8	1	1

Ixtisoslik shifri	Ixtisoslik nomi	Qabul kvotasi soni		
		Tayanch doktorantura	Doktorantura	Stajor-tadqiqotchi
05.02.02	Mexanizmlar va mashinalar nazariyasi. Mashinashunoslik va mashina detallari	4		
05.02.04	Standartlashtirish va mahsulotlar sifatini boshqarish	1		1
05.02.05	Mexanik va fizik-texnik ishlov berish texnologiyalari va jarayonlari. Stanoklar va asbob-uskunalar	5		
05.03.01	Asboblar. O'lchash va nazorat qilish usullari (tarmoqlar bo'yicha)	8	1	1
05.03.02	Metrologiya va metrologiya ta'minoti	1		1
05.05.01	Energetika tizimlari va majmualari	2		1
05.05.02	Elektrotexnika. Elektr energiya stansiyalari, tizimlari. Elektrotexnik majmualar va qurilmalar	8	1	1
05.05.04	Sanoat issiqlik energetikasi	4		1
05.05.06	Qayta tiklanadigan energiya turlari asosidagi energiya qurilmalari	4		
05.05.09	Yadro energetikasi qurilmalari va texnologiyalari	3		
05.08.06	G'ildirakli va gusenitsali mashinalar va ularni ishlatish	2		
05.10.01	Mehnatni muhofaza qilish va inson faoliyati xavfsizligi	3		
05.10.02	Favqulodda holatlarda xavfsizlik. Yong'in, sanoat, yadro va radiatsiya xavfsizligi	2		
07.00.01	O'zbekiston tarixi	2		
08.00.03	Sanoat iqtisodiyoti	6	1	
09.00.04	Ijtimoiy falsafa	1		
11.00.05	Atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish	3	1	
11.00.06	Geodeziya. Kartografiya	1		1
13.00.01	Pedagogika nazariyasi. Pedagogik ta'limotlar tarixi	3		
17.00.05	Dizayn nazariyasi va tarixi	2		
21.02.24	Fuqarolar muhofazasi. Favqulodda vaziyatlarning oldini olish va bartaraf etish vositalari va usullari	2		

Kirish imtihonlari 2023-yilning 1 — 25 noyabr kunlari bo'lib o'tadi.

Qo'shimcha ma'lumotlarni 71-207-09-95 telefon raqami orqali olishingiz mumkin.

Manzilimiz: Toshkent sh., Universitetlar ko'chasi, 2-uy. Toshkent davlat texnika universiteti, bosh bino, 444-xona, Ilmiy-tadqiqotlar, innovatsiyalar va ilmiy-pedagogik kadrlarni tayyorlash bo'limi.

Tayanch doktoranturaga talabgor taqdim qiladigan hujjatlar:

- ariza;
- qisqacha biografik ma'lumotnoma (obyektivka);
- mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun);
- oliy ta'lim muassasasi magistraturasi yoki oliy ma'lumoti to'g'risidagi diplom nusxasi;
- nashr etilgan ilmiy ishlar ro'yxati (kamida bitta maqola va ikkita tezis) va ularning nusxalari;
- O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Davlat stipendiyasi sohiblari tegishli hujjat nusxasini taqdim etadi;
- milliy sertifikat (CEFR) va xalqaro sertifikat (IELTS, TOEFL) nusxasi;
- pasport nusxasi;
- ilmiy rahbarning yozma roziligi;
- 3x4 sm. hajmda 4 ta fotosurat.

Doktoranturaga talabgor taqdim qiladigan hujjatlar:

- ariza;
- qisqacha biografik ma'lumotnoma (obyektivka);
- mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun);
- oliy ma'lumot, fan nomzodi yoxud falsafa doktori (PhD) yoki xorijiy davlatlarda unga tenglashtirilgan ilmiy darajaga ega bo'lganligi to'g'risidagi diplom nusxasi;
- tadqiqot mavzusi bo'yicha ilmiy ma'ruza va fan doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun tayyorlangan doktorlik dissertatsiyasi rejasining muassal loyihasi;
- nashr etilgan ilmiy ishlar ro'yxati (kamida 3 ta maqola va 2 ta tezis) va ularning nusxalari;
- pasport nusxasi;
- 3x4 sm. hajmda 4 ta fotosurat.

Stajor-tadqiqotchilikka talabgor taqdim qiladigan hujjatlar:

- ariza;
- qisqacha biografik ma'lumotnoma (obyektivka);
- mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun);
- oliy ta'lim muassasasi magistraturasi yoki oliy ma'lumoti to'g'risidagi diplom nusxasi;
- nashr etilgan ilmiy ishlar ro'yxati, shuningdek, ularning nusxalari;
- O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Davlat stipendiyasi sohiblari tegishli hujjat nusxasini taqdim etadi.

Hujjatlar 2023-yil 15-oktabrgacha qabul qilinadi.
Hujjatlar <http://www.phd.mininovation.uz/> tizimidan ro'yxatdan o'tish orqali elektron ravishda topshiriladi.



тенгсиз адолат соҳиби қуёш қилиб яратгон бўлса-чи?.. Ёки қуёшни Навоий қиёфасида кўрсатгон эса-чи?.. Биз ёнимиздаги қуёшни англамай, ғафлатларга ботиб юргон бўлсак-чи?!.. Чиндан ҳам бу мулоҳазаларга одамнинг ақли етиши қийин..."

Алишер Навоий вафотидан сўнг султон Ҳусайн ғуссада ботади. У олдинги эътирофини янада қучайтириб шундай хитоб қилади:

"Низомиддин Мир Алишер Навоий — бизнинг Қуёш эди! Ҳа, ҳа, оламнинг нурига айлангон бизнинг қуёш! Туркий олам қуёши! Юқорида мен санаб ўтган фазилатлар бари, ажаби, Навоийда мужас-сам! Бари, бари!.. У қуёшга ҳавас қилиб: "Қани энди инсон шундай қуёш бўла олас!.." деб оруз қиларди ўзи ҳам! Билар экан ўзи. Аён бўлсинким: у нақ ме-нинг қўз ўнгимда фалакка кўтарилди!.." Бу устоз адбнбнинг эътирофи ҳам.

Завол билмас мукаммаллик

Алишер Навоийнинг ёру дўстларига, элдошларига доимий меҳри, ҳурмати, ҳиммат ва садоқати "Мангу қуёш" аса-рида кенг акс эттирилган. Шоир даҳо-си, авваламбор, улуг бобокалонлари-миз, авлиёлар ва авлиёсифат зотлар, умуман олганда, миллат ва халқ руҳия-ти заминида қарор топгани ёрқин таъ-кидлар, турли рамзу ишоратлар, дил сўзлари орқали қитобхон қалбига етка-зилади. Хожа Юсуф Ҳамадоний ҳазрат-ларининг илму ирфонига эътибор асар қамровини янада кенгайтирган.

"Яқинда шайхул-машоийх Юсуф Ҳамадоний ҳазратларининг "Рутбат ул-хаёт" рисолаларини ўқиб билдимки, — дейди Алишер Навоий дўсти Шайхим Сухайлийга. — Рух — аслларнинг асли экан, Ҳазрат инсон зотининг бадани ва аъзолари рух билан тириклигидан сўзлайдилар. Рухнинг борлиги соясида бадан кўрай, билгай, эшитгай, тутгай, юргаёй... Мана бу сўзлар эса Рухни тўла-тўқис ифода этадур: "Рухнинг хусуси-ят-фазилатлари тўғрйлай доноликда қатъят, назарда фаросат ва ибрат, эшитишда ҳикматни англаш, эргашиш-да итоат пайдо бўлгай. Жумардлик йўли, мушоҳада жойи, фазл макони, ка-рам мавзеси, ақинлик қароргоҳи, қуд-сият максани, ҳаёт фурсати, унсият бўстони, севги-дўстлик водийси, ишқ денгизи, суқунат майдони ва кашфиёт йўли — бари жон-рухдандир..."

Буюк мутафаккирнинг умр манзилла-рини авлиёлар ҳикматларига боғлаб ид-рок этар эканмиз, ул зотнинг ўзи ҳам назаримизда авлиёга ўхшаб кетади. Бун-дай назар ҳазрат ҳақида ҳайратомуз умуминсоний ва юксак маънавий ҳу-лосалар чиқаришга имкон беради. Ёзувчи бу борада шижоат кўрсатган. Гўё ден-гиз қарьидан энг сара дурларни олиб чиқишга қатъий қарор қилган ғаввос син-гари тарихнинг тубигача шўнғиган.

Алишер Навоийнинг устози Абдурахмон Жомийга бўлган завол билмас эҳтиро-ми каттаю қичкича маълум. Аммо улар-нинг дўстлиги ҳам бениҳоя кенг. Бу бо-рада янги жиҳатлар олмос қирралари-дай намоён бўлади. Ёзувчи шу жиҳат-дан ўзи кашф қилган ёғдуни қитобхон-га тақдим этади.

Мирхонд, Камолиддин Беход, Шайхим Сухайлий, Султонали Маъшадий, Хондамир сингари ўз даврининг нодир ва беназир намояндалари Алишер Навоийга дўст бўлиш билан бирга, унинг муридилари дейиш ҳам мумкин.

Асардаги дўстларнинг дил сўзлари ай-нан шундан дарак беради. Хусусан, Шайхим Сухайлийнинг қуйидаги изхо-ри эътиборга лойик:

"Бу зот ким?.. Жаннат фуқаросими? Ёки жаннатда яралиб, ерга тушиб қол-ган фариштами? Булар қандай одам-лар, булар билан ишлаш мумкинми?.. Инсон кўринишидаги авлиёми? Ёки зо-ҳиран инсону ботинан авлиёми? Ёки ўзимиз билган шоирми, дарвишми, ал-ломами, муҳрдорми, ҳокимми, амир-ми, муқарраби ҳазрати султонми? Ун-сияда истикомат қилаётган, Худонинг бировга оғир-енгили тушмайдиган бир бандасими?..."

Янги ташбеҳ ва истиоралар, муқоя-салар, оҳори тўқилмаган иборалар асарга жон бағишлайди. "Мангу қуёш" шу жиҳатдан ажралиб туради. Ундаги рамзу тимсоллар ҳам ҳақиқат, ҳам ило-ҳиёт ришталари билан боғланган. Кола-верса, у улуг мутафаккирни миллат қуёшига ўхшатиб, буни ҳар томонлама бадий тарзда исбот этади.

Сўз санъати қудрати

Таникли шарқшунос олим Бертельс Алишер Навоийни фаолиятининг серкирраллиги учун Шекспир, Гёте, Пушкинга қиёс қилган эди. Бу фикр-га Шекспир, Гёте, Пушкин Алишер Навоийдан ибрат олиб, серкирра фа-олият кўрсатган, дея аниқлик киритил-са, мақсадга мувофиқ бўларди.

Евгений Эдуардовичнинг "Навоий" рисоласи ўз вақтида буюк сиймо ҳаёти ва ижодини ўрганишда муҳим аҳамият касб этган. Бугун ҳам улуг мутафаккир ҳаётининг, асарларининг теран моҳи-ят-мазмуни ҳар томонлама кенг ўрга-нилмоқда. Уларга муносиб ва адолат-ли баҳо берилмоқда.

Жаҳоннинг турли минтақаларида оламшумуллик касб этган аллома-да-холар кўп ўтган. Улар тамаддун шито-бини янада жадаллаштирди. Аммо қўллаб олимлар, орифлар эътирофига асосланиб ва ҳақиқатни чуқур хис қилиб айтиш мумкинки, Алишер Навоий син-гари мумтоз шахс қамдан-кам. Янги асар мазмун-моҳиятини шу фикр охан-раб сингари ўзига боғлаб туради.

Алишер Навоий ўзининг ўлчовийи ум-рида давлат ва сиёсат, дўстлар ва кўпплаб замондошлари, диндошлари ғамини ҳам зиммасига ортиб, нодир асарларни қачон ва қандай яратди экан? Бу саволга "Мангу қуёш"да жа-воб бисёр. Жисму жон буюк ижодкор учун сурат, холос. Сийрат эса улуг ру-хиятда. Шу сабабли ҳам асарда руҳият таҳлиliga устувор ўрин ажратилган.

Яна Бертельснинг "Навоий" асари-га қайтсак. Унда муаллиф, жумладан, шундай таъкидлайди: "Алишернинг отаси — Гибсиддин Кичкинанинг қан-дай характерли инсон бўлгани ҳақида биз ҳеч нарса билмаймиз". Бу фикр китоб эълон қилинган 1948 йилда ҳеч қанда савол тудирмаганини тушунса бўлади. Аммо "ҳеч нарса билмаймиз", деган фикрни тушуниш қийин. Ахир та-рихнинг ўйиб кетган саҳифаларини ру-хият, тафаккур, санъат, хусусан, сўз санъати ёрдамида тиклаш мумкин-ку? Бир қатор миллий қаҳрамонларимиз-нинг сиймоларини шу асосда қайта тиклаганмиз-ку!

"Мангу қуёш" Алишер Навоийнинг отаси, шунингдек, онаси ҳақида фикру тасаввуларимизни бир қадрар тиниқ-лаштиришга хизмат қилади. Гибсиддин Кичкина қулиб деди:

— Бир нарсга ҳайратдадурман, бек

ўғлим моҳи рамазоннинг ўн еттинчиси-да дунёга қўз очди, бегим!

— Ахир пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламга ваҳий келиши ва Қуръони каримнинг туширилиши ҳам худди шу куни юз бергон-да, муҳтарам амирим, — деди ҳаяжонда бахтиёр она...

— Тарихчиларнинг айтишларича, Қадр кечаси ҳам моҳи рамазоннинг ўн еттинчисида юз берар экан.

— Қарасам... тўйимиз ҳам худди шу куни ўтган экан, муҳтарам амирим.

Ёзувчи Гибсиддин Кичкинанинг олий-насаб, аслзода амир эканлигига эъти-бор қаратиб, унинг эътиқодли, илмли, аёлга садоқатли инсон бўлганлигини, қаҳрамонлигининг ўз сўзлари билан аён қилади. Бу чуқур мушоҳадага даъ-ват этади. Алишер Навоийнинг ота-она-сини ҳар қим ўзига идрок қилишга ҳам йўл очади.

Базан улуг инсонларнинг ажодла-рини уларнинг илму иқтидор зиёси ор-қали тасаввур қиламиз. Бу нотўғри эмас. Энг муҳими, авлодлар даҳоси аж-додлар, хусусан, ота-она сиймосини қайта тирилтиради.

Улуг танқидчининг дегани...

Улугларни эслаб туриш ҳам фойда-дан холи эмас. Шу ўринда атоқли олим, академик Матёқуб Қўшжоновни эсла-гим келди.

1990 йили "Шарқ юлдузи" журна-лининг ёзги сонларида Мухаммад Алининг "Сарбадорлар" романи эълон қилинди. Асар дарҳол устоз адабиёт-шунос назарига тушди. "Сарбадорлар ҳақида роман" мақоласини ёзиб, газе-тада чоп эттирди. Ўша кунлар устоз Хоразмга келиб қолди. Қўришдик. Ҳар галгидек ул зотнинг сўхбатларига муш-тоқ эдик. Гурунғ бўлди. Гурунгда ада-биёт, табиийки, "Сарбадорлар" ҳақида ҳам гап кетди. Шунда устоз бир қизик гапни айтди, ҳозиргидек эсимда: "Мухаммад Али насрнинг яхши оҳанги-ни топибди, қўли анча келиб қолибди. Мен ўзига ҳам фикрларимни айтдим. Ёзувчи ҳозир шаклланиш йўлида... Агар шаклланса, адабиётимизда тарихни те-ран англайдиган катта ёзувчи пайдо бўлади. Мен унга ишни давом эттириш-ни, Амир Темур мавзусига ўтишни маслаҳат бердим..."

Академик Матёқуб Қўшжонов ада-биётнинг ривожланиш тамойилларини аввалдан кўра олувчи, назари ўткир ал-лома эди. Кейинги ўттиз йил давомида адабиётимизда Мухаммад Али қалами-га мансуб биринчи роман-эпопея "Улуг салтанат" (дарвоқе, устоз Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган роман-эпо-пеянинг дастлабки икки китоби муҳо-камаларида қалнашган эди), "Клеопатра", "Мангу қуёш" каби тарихий романлар ёзилди. Қарангки, қаҳрамонларнинг бари тарихнинг мураккаб тақдирларга эга улуг сиймолари. Уларнинг бадий шишқ образлари яратилишини айнан адиб иходининг шаклланиш жараёнла-ри, деб айта оламиз.

Ростдан ҳам, Мухаммад Али катта адабиёт яратаётган адибларимиздан бири. Буни янги "Мангу қуёш" тарихий романи ҳам исботлаб турибди.

Муҳаббат мўъжизалари

Алишер Навоий ўз асарларида, хусусан, "Ҳамса"да муҳаббат мўъжиза-лари живлаларини ўзидан олдин ҳам,

кейин ҳам ҳеч қайси ижодкор кўрсата олмаган даражада намоён этган. Улуг шоирнинг муҳаббат ҳазинасини тўғи-дай қўзларга суриш дилни чароғон ва нурафшон қилади. Аммо айнан шу ха-зинани бебаҳо бойлик сифатида қабул қилмай, Алишер Навоийнинг муҳабба-ти илоҳий ишқ ёки инсонга бўлган сев-ги, дея бирёклама қараш қўпчилиқни қалғитади.

Айниқса, ёшлар бу борада бир тўхтамга кела олмай, мутолаадан со-виши мумкин. Айрим ўзбек тили ва ада-биёти ўқитувчилари фақат ғазалларни ёд олдириш билан чегараланиб қолиш-лари ҳам масалани ҳал этишга хизмат қилмайди.

Ёзувчи асарда айнан шу жиҳатларни ҳам ўйлаганлиги табиий. Шу сабабли, у буюк шоир муҳаббатини инсоннинг инсонга бўлган севгисидан илоҳий ишқ қадр қолсалган сиру синоат, қалб гав-ҳари сифатида кўрсатади. Бу ягона ва ўзгармас, мангу муҳаббат.

Алишер Навоий ҳақидаги асарларни кунда ўқиш керак. Шунда улуг ижодкор ғазалларини мутолаа қилиш истаги жун-бўшга келади. Ғазалларни ўқиб, нур эм-ган кимса борки, "Ҳамса"дан бебаҳра қолмаслиқда интилади.

"Мангу қуёш"даги кўпгина таъриф-тафсиқлар шеърдай ўқилади. Эҳтимол, бунга наинки асар улуг шоир тўғриси-даги эканлиги, балки ёзувчининг юксак назмий иқтидори сабабдир. Энг муҳи-ми, адибнинг муҳаббати улуг шоир му-ҳаббатидан куч олганлигидадир.

Абадиятга дахлдор

Алишер Навоийдан кимдир узоқла-шиб кетиши мумкин. Бироқ ҳеч қим, ундан буткул ўзилиб кета олмайдик, Ахир қуёшни ўйламайдиган кўп. Лекин ҳеч қим унингсиз яшай олмайдик. "Мангу қуёш" билмаганингни билди-ришга, билганингни чуқур хис этишга хизмат қилувчи қитоб бўлибди. Бу — улуг мавзуга янгича ёндашиш намуна-си. Демак, бундай асарларни кўпроқ ўқиб-ўрганиш лозим. Ёшларга ўргатиш эса аини муддаодир.

"Ўқисинма! Ҳаёт хали олдинда" деб ҳайқирарди... Мангу қуёш! Бу ҳайқир-ик ҳазрат Навоий нидолари ҳам. Ўлуг даҳо халқнинг, миллатнинг қуёши бўлиб мангуга қолди. Асар бундан кейин халқ ва миллат қуёши тобора кўпроқ нур со-чаверишига қомил ишонч руҳи билан сўғурилган.

Бир муддат олдин бир раҳбар, ўзига яраша қаламқаш телевидение орқали чиқишида: "Энди биз Навоийни ўргана олмаимиз. Бу жуда қийин", деган эди. Бу совуқ темирга чўкич ургандай таас-сурот қолдирди, катта қарвон йўлига тўғаноқ бўлган қароқчининг харакатла-рини эслатади... Алишер Навоий ҳақида билар-билмас, тушуниб-тушунмай фикр юритиш таъбини хира қилибгина қолмай-ди, кўпчиликни билимсизлик ботқоғига ҳам тортади. Шу сабабли, улуг аждо-димизни билмасликда фақат ўзни айб-лаш керак. Шунда билишга йўлнинг учи кўринади. Асар ана шу жиҳатдан йўланма ҳам.

"Мангу қуёш" ҳақида танқидий фикрлар ҳам билдирилиши табиий. Чун-ки Алишер Навоий тўғрисидаги асар-ларга ҳар хил нуқтаи назардан нигоҳ ташланади. Энг муҳими эса, буюк шоирнинг қуёшга менгзалишини инкор этиб бўлмайди.

Сотим АБАЪ,

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

РЕКЛАМА

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

Макроиктисодий ва ҳудудий

тадқиқотлар институти

2024 йил учун таянч докторантура — фалсафа доктори (PhD), докторантура (DSc) ҳамда мустақил изланувчиликка (PhD, DSc) 08.00.02 — макроиктисодиёт ва 08.0012 — минтақавий иктисодиёт ихтисосликлари бўйича қабул эълон қилади.

Таянч докторантурага — фалсафа доктори (PhD):

08.00.02 — макроиктисодиёт 2 ўрин;
08.0012 — минтақавий иктисодиёт 2 ўрин.

Докторантурага (DSc):

08.00.02 — макроиктисодиёт 1 ўрин;
08.0012 — минтақавий иктисодиёт 1 ўрин.

Ҳужжатлар 2023 йилнинг 15 октябрига қадар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг **phd.miniinnovation.uz** ягона электрон тизими орқали топширилади.

Талабгорлар учун керакли ҳужжатлар рўйхати билан институтнинг **imrs.uz** сайтида батафсил танишишингиз мумкин.

БИР ЙИЛДА ИККИ-УЧ МАРТА ҲОСИЛ ОЛИШ СИРИ

Бугунги кунда томорқа хўжалиги аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар даромадини оширишда жуда катта имкониятлар манбаига айланди.

Томорқачилик

Жорий йилда Хоразм вилоятида 5945 гектар пахта ва галла майдонлари қисқартирилиб, аҳолига очик танлов асо-сида узок мuddатли ижарага берилди. Натижада минглаб ишсиз аҳоли банд-лиги таъминланди. Бунда, аввало, "те-мир дафтар", "аёллар дафтари", "ёшлар дафтари"да рўйхатда турган фуқаролар-нинг деҳқончилик билан шугулланишлар-ига имконият яратилди.

— Бу йил эрта баҳорда маҳалламиз-га яқин ҳудуддан 10 гектар экин май-дони деҳқончилик қилиш учун 30 со-тихлик лотларга бўлиниб, очик танлов-га қўйилди, — дейди Янгибозор тумани-даги Дўстлик маҳалласининг ҳоким ёрдамчиси Умиджон Тожибоев. — Деҳқончилик қилишга қизиқиши бор фуқаролар ер майдонларини танлов асосида ижарага олди. Бундан ташқа-ри, ғалладан бўшаган майдонлардан 11,6 гектар ер "темир дафтар" рўйха-тига киритилган оилаларга такрорий экин экиш учун ахратилди.

Маҳаллада томорқадан фойдаланиш-да "Бир кўча — бир маҳсулот" тамойили

жорий этилган. Мевали дарахтлар экиш-да ҳам худди шундай бир кўчада олча, яна бирда узум, яна бошқасида ўрик ни-холларини экиб, парвариллаш йўлга қўйилди. Бу маҳсулотларни тизимли ха-рид қилиш, сақлаш, саралаш, қадоқлаш, қуриштиш, қайта ишлаш, ички ҳамда ташқи бозорларга сотишни ташкил этишда жуда кўл келмоқда.

Пахта ва ғалладан бўшаган майдон-ларнинг аҳолига деҳқончилик учун ижа-рага берилиши натижасида минглаб оилаларнинг рўзгорига барака кирди, энг муҳими, меҳнат мигранти сифати-да чет элларда сарсон бўлиб юрган кўпплаб ёшлар оиласи бағрига қайтди.

— Ўз уйинг — ўлан тўшагин", деган нақлнинг маъносини мусофирчиликнинг нонини таътиб кўрган инсонлар яхши билади, — дейди Янгибозор туманида-ги Очақалыа маҳалласида яшовчи Роза Бобонийёзова. — Ўзимиз қишлоқда яшасак-да, деҳқончилик қилиш учун еримиз йўқлигидан хатто рўзгорга за-рур мева-сабзавотларни бозордан со-тиб олар эдик. Фарзандлар улғайиб,

рўзгор юки оғирлашган ноилж тирик-чилик ваҳидан турмуш ўртоғим билан ишлаш учун хорижга кетдик.

Яқинларим билан телефон орқали мулоқотда қишлоқ жойларда аҳолига деҳқончилик учун ер берилётганини эшитиб Ватанга қайтдим. Аукционда қатнашиб 30 сотих ер олдим. Ҳозир деҳқон хўжалиги раҳбариман. Яқинда турмуш ўртоғим ҳам хориждан қайтиб келди. Биргалиқда деҳқончилик қилиб, бир йилда 2-3 марта ҳосил оляптим, шунингдек, чорва, парранда бош соми-ни кўпайтирдик. Ҳочмўт қилиб кўрсак, даромадимиз чакки бўлмас экан.

Хоразм вилоятининг Богот тумани-даги Узумзор маҳалласига йўлингиз тушса, маҳалла номи бежиз танлан-маганига амин бўласиз. Ҳар бир хо-надоннинг ҳовлисидан тортиб, томор-қасигача узумзор. Маҳалла аҳли то-морқадан самарали фойдаланиш ва маҳсулотни экспорт қилиш бобида қўшни қишлоқлардан анча илгариллаб кетган. Авваллари маҳалла аҳли узум-ни киш-баҳор мавсуми учун мева сақ-лайдиган маҳсус омборларга, хоразм-ча айтганда, "талак"га жойларди. Ҳозир эса маҳаллада бир нечта замо-навий совитчилик омборлар қурилди. Бу экспорт имкониятини янада кен-гайтди. Маҳсулотнинг асосий хари-

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 941. 33 088 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанин ҳақидаги маълумотларни қўлаб оқили учун QR-коддин телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопилхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг маълумоти берилиши учун оқушни расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфия ҳижатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши